

PSTN-G0235/369- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Наманган ш.

2022 йил "20" Декабр

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК "Ўзбектелеком" Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Наманган шаҳар янги Наманган туман ҳокимлиги Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ж Абдуллаев (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишги чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдориди олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) 1500000 (Беш миллион) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 1500000 () сўм миқдориди Абонент тўловини ҳамда () сўм миқдориди бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамиди хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмалигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнанинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобиди, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чора қўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги муурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда муурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (муурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга қиради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакlining ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.


7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p align="center">ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Наманган филиали</p> <p>Манзил: Наманган шаҳар Истиклол куча 57-уй Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: _____; E-mail: b2b@uztelecom.uz;</p>	<p align="center">АБОНЕНТ: Наманган шаҳар янги Наманган туман ҳокимлиги</p> <p>Манзил: Наманган ш янги Наманган тумани Оромгоҳ МФЙ Афросиёб кучаси 25 б уй Банк маълумотлари: х/р: 23402000300100001010 СТИР: 308617238 МФО:00014 Банк номи: Марказий банк ХККМ Тел:907400084 Дот: _____;</p>
<p>Оператор номидан: _____ Б.Нурматов _____ /имзо/ м.ў.</p>	<p>Абонент номидан: _____ Ж Абдуллаев _____ /имзо/ м.ў.</p>

Юрист

Исп.: Иргандев О
Тел: (369) 227-00-71



Кўрсатиладиган хизматлар
1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта - йиғиндис

№	Хизматлар рўйхати	ҚҚС билан нарх (киймат)	асослаш	миқдор	миқдори, ҚҚС билан, сум
1	2	3	4	5	6
1.1	Абонент тўлови (чеклов 1000 дақиқа) 12 сўмдан ошиб кетган 1 дақиқа нархи Лс 1919307394	18 000	125-1/7-сонли нархномага асосан	3	54 000
1.2	Абонент тўлови (чеклов 45 000 дақиқа) 12 сўмдан ошиб кетган 1 дақиқа нархи	40 000	125-1/7-сонли нархномага асосан	1	40 000
1.3	ДВО. Кирувчи хабарларни йўналтириш кўнгироклар	1 970	125-1/7-сонли нархномага асосан	1	1 970
1.4	ДВО. Рақамларни аниқлагич	1 820	125-1/7-сонли нархномага асосан	4	7 280
Жами (олдиндан тўлов)					103 250

Жами олдиндан тўлов миқдори 103 250,00 (бир юз уч минг икки юз эллик) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Хар ойлик тулов 103 250,00 сум

Шартноманинг умумий миқдори 1500000 сўмни ташкил этади. Ундан 1500000 сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 1500000 сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
 “Ўзбектелеком” АК
 Наманган филиали

АБОНЕНТ:
Наманган шаҳар янги Наманган туман ҳокимлиги

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Директор

Б.Нурматов

Ҳоким

Ж Абдуллаев



Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил "20" 01
PSTN-G0235/369- сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш - қабул қилиш далолатномаси

№	Қурилманинг дастурий таъминот номи	Микдори	Серия коди ёки завод рақами	15% ҚҚСни инобатга олган ҳолда, етказиб бериш қиймати, (сўмда)
1	2	3	4	5
1				

*Қурилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.

*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.

*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.

*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ҳужжатдир.

ОПЕРАТОР:
"Ўзбектелеком" АК
Наманган филиали

АБОНЕНТ:
Наманган шаҳар янги Наманган туман ҳокимлиги

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Директор

Б.Нурматов



Ҳоким

Ж Абдуллаев



илова
2022 йил учун

Янги Наманган туман ҳокимлиги

2022 йил "20" 21 бап даги № PSTK-60235368 Шартномага

Алоқа хизмати учун
хизмат тури

Ойлар	Микдори	Суммаси	Ойлар	Микдори	Суммаси
Январь	1	500000,00	Июль		
Февраль	1	500000,00	Август		
Март	1	500000,00	Сентябрь		
I-чорак	1	1500000,00	II-чорак	0	0,00
Апрель			Октябрь		
Май			Ноябрь		
Июнь			Декабрь		
II-чорак	0	0,00	IV-чорак	1	0,00
Йиллик		Индексация		1	1500000,00



Хизмат курсатувчи: Б.Нурматов

Истемолчи:

Ж.Абдуллаев